

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМОНОВ ХАСАН ИБРОХИМОВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ИННОВАЦИОН  
ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон - 2021**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philosophical Sciences**

**Абдурахмонов Хасан Иброхимович**

Замонавий ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурни  
шакллантиришнинг ижтимоий омиллари.....3

**Абдурахмонов Хасан Иброхимович**

Социальные факторы формирования инновационного мышления в  
мировоззрении современной молодежи .....25

**Abdurakhmonov Khasan Ibrokhimovich**

Social factors of the formation of innovative thinking in the worldview  
of modern youth.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....54

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМОНОВ ХАСАН ИБРОХИМОВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ИННОВАЦИОН  
ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРИ**

**9.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fal555 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раматов Жуманиёз Султонович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ғаффарова Гулчехра Ғуламжановна**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат Шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Андижон давлат университети. Ахборот-ресурс маркази 3-қават 301 хона) Тел.: (74) 223-88-30; факс: (74) 223-88-30, e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: (74) 225-02-08; факс: (74) 223-88-30, e-mail: [anduarm@umail.uz](mailto:anduarm@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ф.Х.Юлдашева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

**А.А.Эгамбердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Т.А.Артиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда таълим тизими ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, танқидий тафаккурини ривожлантириш омили сифатида амал қилмоқда. Инновацион таълим жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, барқарор тараққиётни таъминлашга ёшларнинг инновацион тафаккур имкониятларига таянишни тақозо этмоқда, уларнинг янги билимларни эгаллаш ва мустақил фикрлашга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар инновацион тафаккурини ривожлантиришда таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, ягона таълим маконини яратишда халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида жамиятда ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантиришга таъсир этувчи омилларни, макро ва микро муҳитнинг шахс камолотидаги ўрнини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда ёшларнинг Ноу-хау (“know how”) – янги ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг креатив тафаккур имкониятларидан фойдаланиш, инновацион ғояларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, жаҳон стандартларига мос равишда амалиётда қўллаш механизмларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришнинг замонавий инновацион жиҳатларига катта эътибор берилмоқда. “Маълумки ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”.<sup>1</sup> Ёш муҳандис, ёш мутахассис, ёш китобхонлар танловлари ёшларни етук мутахассис сифатида тарбиялашга йўналтирилган бўлса, Start-Up лойиҳалари келажак тадбиркорларини, “Ёшлар парламенти” сиёсатчиларни, “Ёшлар академияси” эса олимларнинг янги авлодини тарбиялашга мўлжал олган. Шу боис янгиланаётган Ўзбекистонда ёшларнинг инновацион ғояларидан иқтисодий ривожланишда фойдаланиш, уларни қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа ҳуқуқий-

---

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 504-505.

меъёрий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёшларнинг дунёқарашида ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришнинг аҳамияти, тафаккур имкониятларининг чексизлиги Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ижодида очиб берилган. Хусусан, “Авесто”да “тафаккурнинг ўзгариши таълим ва тарбиянинг амалий таъсири, устознинг ёш авлод дунёқарашини шакллантиришдаги жамият олдида бурчи ва масъулиятини англашидаги ўрни<sup>2</sup> ҳақида мулоҳазалар илгари сурилган. Ал-Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида “Балоғат ва билимларга, яъни ривожланишга тарбия ва машқ орқали эришилиши”<sup>3</sup> асосланган. Ж.Румий “Ичиндаги ичиндадир” асарида “Инсоннинг ақли созланмаган бўлса, унинг бутун аъзолари ишламайдиган ҳолга келади” деб таъкидлаган, бу эса тафаккур инсон ҳаётини бошқарувчи омил эканлигидан далолатдир. Абу Ҳомид Ғаззолий “Ёд этиш узлуксиз бўлиши керак. Агар узлуксиз бўлмаса, аксарият ҳолатда, кўпроқ бўлсин, Аллоҳ таоло нажотни шунга боғлиқ қилган”<sup>4</sup> деган ғоясида хотиранинг аҳамиятига ишора қилган. Кайковуснинг “Илмни дўст, бекорчи турмушни душман тутғил, китоб ва дарсга ҳарис бўлғил, кеч ётғил, эрта турғил, ҳақшунос бўлғил, ҳарна эшитсанг, ёд қилғил, оз сўзлагил ва узоқни ўйлагил. Чунки ҳар бир толиби илм агар бу сифатли бўлса, тез фурсатда замоннинг ягона кишиси бўлур”<sup>5</sup> ғоясида инсон тафаккурини илҳом билан бошқариш мумкинлиги асосланган. XX аср мутафаккирлари хусусан А.Авлоний “Сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадургон тарозудир. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, кадр-қимматини сўзлаган сўздан биладур”<sup>6</sup> деб таъкидлаган, бу эса сўз тафаккур маҳсули эканлигидан далолат беради. М.Бехбудийнинг “Ёшларга мурожаати”да тамаддун келажаги ёшларнинг масъулиятига боғлиқлиги очиб берилган<sup>7</sup>. Абайнинг “Сўз ҳақида” китобида тафаккур эркинлиги сўз бойлиги билан боғлиқлигига ишора намоён бўлади<sup>8</sup>.

<sup>2</sup> Ҳомидов Ҳ. Авестодан Шоҳномагача. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 73.

<sup>3</sup> Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 29.

<sup>4</sup> Ғаззолий А.Ҳ. Кимёи саодат. Икки дунё саодатига элтувчи билим. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, 2019. – Б. 220.

<sup>5</sup> Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006. – Б. 126.

<sup>6</sup> <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/milliy-uygonish/begali-qosimov-shuhrat-rizaev-abdulla-avlony-1878-1934/>

<sup>7</sup> “Ойна” журнали, 1914 йил, 21-сон, 390-391-бетлар.

<sup>8</sup> Кунанбаев А. Стихи. Слова назидания. – Алма-ата: Русская книга, 2003. – С. 240.

Хориж олимлари, хусусан юнон файласуфи Платоннинг “қонунларга риоя қилишда тарбия ва машғулотлар катта аҳамиятга эгаллиги”<sup>9</sup> ҳақидаги фикри тафаккурда қонун устуворлигини таъминлашнинг ижтимоий аҳамиятига ишора бўлса, Аристотель “Агар инсон хайрихоҳлик, гўзаллик, олижаноблик ва улуғворликка бошқа одамлар орқали эмас, балки ўзи ва ўз руҳи ўртасидаги мавжуд нарса орқали эришган бўлса, ул одам ҳақиқатдан ҳам хайрихоҳлик ва баркамолликка эришади”<sup>10</sup>, деб ҳисоблаган. Янги давр Европа файласуфларидан англиялик олим Ф.Бэкон эмпирик билиш тафаккур имконияти чегарасини белгилайди, деб ҳисобласа, франциялик файласуф ва математик Р.Декарт фикрича, рационал билим тафаккурнинг олий неъматидир. XX аср Ғарб олимлари А.Камюнинг “Исёнкор одам” асарида инсон тафаккуридаги ғалаёнларнинг сабаблари, “Бегона” асарида эса бефарқликнинг оқибатлари очиб берилган.

XX асрда МДҲ олимлари инновацион тафаккурнинг йўналишларини тадқиқ этганлар. Хусусан Россия олимлари Д.Н.Попов, М.П.Челомбицкая, П.Г.Рудаков, В.В.Жабина, А.О.Лёвкина, А.В.Сухоруких, Е.А.Баканова “тафаккур”, “инновацион тафаккур” ва “инновацион дунёқараш” каби тушунчаларнинг моҳиятини қиёсий таҳлил қилган<sup>11</sup>. Шунингдек, Э.Погорский “Ёшлар инновацияларининг ахборотлашган жамиятда ижтимоий маданий ўзгаришлар манбаи”, П.Рудаков “инновацион шахс шаклланиш жараёнининг ижтимоий фалсафий жиҳатлари”, Т.Фролова “Жамиятнинг инновацион ривожланишида маънавий ҳаёт”, Ю.А.Ковылов “Илмий инновацион фаолият: фалсафий методологик таҳлил” мавзуларида, тожикистонлик олимлар С.Ниёзбокиев “Инновацион тафаккур шаклланишининг педагогик шароитлари”<sup>12</sup> мавзусида илмий тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбекистонда Ж.Т.Туленов тафаккур услубининг шакллари таснифлаган<sup>13</sup>, О.Ф.Файзуллаев тафаккур инерциясининг ижтимоий барқарорлик ва беқарорликка таъсирини очиб берган<sup>14</sup>. Н.Шермухамедованинг номзодлик диссертациясида диалектик дунёқарашнинг тафаккур услубига таъсирини, докторлик ишида эса тафаккур услубининг

<sup>9</sup> Платон. Диалоги. – Москва: Наука, 1972. – С.27.

<sup>10</sup> Аристотель. Никомахова этика. – Москва: Наука, 1996. – С. 98.

<sup>11</sup> Попов Д.Н. Образование как институт формирования сознания и мышления : феноменологический подход : автореф. дисс. кандидата философских наук. – Ярославль, 2018. – 26 с.; Челомбицкая М.П. Интеллект и креативность как факторы самоактуализации человека в инновационном обществе: автореф. дисс. ... кандидата философских наук. – Ростов-на-Дону, 2009. – 27 с.; Рудаков П.Г. Социально-философские основания процесса формирования инновационной личности: дисс. ... кандидата философских наук. – Москва, 2012. – 170 с.; Жабина В.В. Риски инновационного развития общества: социально-философский анализ: дисс. ... кандидата философских наук. – Саратов, 2013. – 167 с.; Лёвкина А.О. Онтогносеологические аспекты формирования концепции устойчивого инновационного развития общества: автореф. дисс. ... доктора философских наук. – Тюмень, 2019. – 48 с.; Сухоруких А.В. Аксиология инноваций в современной образовательной культуре: дисс. ... доктора философских наук. – Курск, 2020. – 309 с.; Баканова Е.А. Технонаука в информационном обществе: социально-философский анализ: автореф. дис. ... кандидата философских наук. – Томск, 2020. – 26 с.

<sup>12</sup> Ниёзбокиев С. Педагогические условия формирования инновационного мышления у студентов инженерно-технологического профиля в условиях реализации кредитной технологии обучения в ВУЗе: дисс. ... кандидата педагогических наук. – Таджикистан, 2013.

<sup>13</sup> Шермухамедова Н. “Фалсафа” дарслиги. – Тошкент, 2010.

<sup>14</sup> Кўрсатилган асар.

фалсафий методологик жиҳатини<sup>15</sup>, унинг намоён бўлишига давр руҳининг таъсирини очиб берган. О.Шевцова ўқувчи ёшларнинг тафаккур услуби<sup>16</sup>, Ш.Т.Кубаева инновацион тафаккурни ривожлантиришда илмий ижодий фаолиятнинг ўрнини асослаган<sup>17</sup>. Шунингдек, ижодий фикрлаш ҳар доим субъектив равишда янги натижаларга олиб келиши, инновацион тафаккурда эса, алгоритмга биноан иш тутилишининг илмий-амалий жиҳатлари исботланган.

Илмий адабиётларнинг таҳлилига кўра, турли давлатларда ижод қилган олимларнинг асарларида жамиятнинг барқарор ривожланишининг стратегик мақсадларига эришишда ракобатбардош билим ва технологияларни ривожлантириш, билим олишдаги эркинлик, ижодкорлик, инновацион маданиятнинг универсаллиги, инновацион тафаккурнинг маънавият, маданият ривожигадаги ўрнига эътибор қаратилган, ушбу тадқиқот ишида эса ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурни ривожлантиришнинг фалсафий моҳияти ва тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш кўзда тутилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот режаларининг “Глобаллашув шароитида ахборот таҳдидларига қарши курашишнинг замонавий технологияларини яратиш механизмлари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий ёшлар дунёқарашида инновацион фаолликни шакллантиришга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёшлар инновацион тафаккурига таъсир қилувчи объектив омилларнинг улар дунёқарашини ўзгартирувчи механизм эканлигини очиб бериш;

ёшлар инновацион тафаккурининг хавфсизлигини таъминлашнинг заруратини асослаш;

инновацион тафаккур инновацион маданият сифатида ёшларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш мезони эканлигини исботлаш;

интернет ахборот маконининг ёшлар инновацион тафаккурига таъсир даражасини аниқлаш механизминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон ёшларига яратилган ижтимоий-маданий ҳаёт шароитлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ёшлар инновацион тафаккурининг йўналишлари ташкил этади.

---

<sup>15</sup> Философия и методология науки – Известные ученые. [www.famous-scientists.ru](http://www.famous-scientists.ru). Дата обращения: 20 июля 2020.

<sup>16</sup> Шевцова О. В школу с удовольствием. Познаю мир математики. 6-й год жизни. “Рабочая тетрадь”. – Россия, 2020.

<sup>17</sup> Кубаева Ш. Развитие инновационного мышления в Самаркандской академии Улугбека. – Universum: общественные науки, 2014.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, қиёсий таҳлил, анализ, умумлаштириш, мавҳумликдан конкретликка юксалиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёшларнинг таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолиятининг самарадорлиги дунёни сезиш, дунёни идрок этиш, дунёни тушуниш ва баҳолаш мутаносиблигининг натижаси эканлиги, ёшларда инновацион тафаккурни шакллантиришнинг фалсафий, ижтимоий, маданий омиллари мамлакат тараққиётининг истиқболлари билан боғлиқ эканлиги асосланган;

ёшлар ўзларининг дунёқарашини реал ҳаётга татбиқ этиш стратегиясига эга бўлиши ижтимоий-тарихий шарт-шароитларга бевосита боғлиқлиги, муайян қадриятлар, билимлар ва хулқ-атвор моделларини ўз дунёқарашига сингдириш орқали уларни ўз ҳаётининг мазмуни сифатида қабул қилиши ва ижтимоий субъект сифатида ҳаракат қилиши тафаккурини шакллантиришга кучли таъсир кўрсатиши ҳақиқий ижтимоий-тарихий шароитлар ва мафкура каби воситаларга боғлиқлиги очиб берилган;

инновацион фаолиятни шакллантириш механизми сифатида ёшлар тафаккурида мақсадни белгилаш, интеграциялашув ва коммуникативликка эришиш омиллари ҳамда рационал ва технологияга асосланувчи интеллектуал салоҳиятни янада кенгайтириш жамият барқарорлигини таъминлашнинг воситаси эканлиги исботланган;

инновацион тафаккур, муносабатлар, эҳтиёжлар ва қизиқишларни ижтимоий фойдали амалий фаолият жараёнида ижтимоий фаолликни намоён этиш орқали давлат ва жамият бошқарувида ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурни шакллантириш, ёшларнинг инновацион билимлар эгаллаши, уларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш, ижтимоий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш, инновацион фаолликни ташкил этишда гуманизмга асосланган янги технологиялари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

давлат ва жамият бошқарувида ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган тизимли фаолиятнинг уларда билим эгаллаш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ижтимоий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш механизми эканлиги очиб берилган;

инновацион фаолликни ташкил этишда инсонпарварлик янги технологиялардан фойдаланиш учун яратилган шароитлар ёшлар дунёқарашида эртанги кунга ишонч ва ўз-ўзини тарбиялаш воситаси сифатида амал қилиши очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, Ўзбекистон Республикаси ОАК рўйхатидаги махсус журналлар, хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда илгари сурилган фалсафий ғоялар, ёшларнинг инновацион ғояларидан хулосалар ҳамда фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга оид илмий изланишларда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш инновацион тафаккурга оид илмий конференциялар, монографиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 5 ташаббус доирасида ташкил этилган амалий фаолиятда, 5 ташаббуснинг ижросини таъминлашда, стартап лойиҳаларини тайёрлашда, ёшларнинг илмий ишланмаларини амалиётга жорий қилишда уларнинг фаолият натижаларини рағбатлантиришда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурни шакллантиришнинг ижтимоий омиллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёшларнинг таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолиятининг самарадорлиги дунёни сезиш, дунёни идрок этиш, дунёни тушуниш ва баҳолаш мутаносиблигининг натижаси эканлиги, ёшларда инновацион тафаккурни шакллантиришнинг фалсафий, ижтимоий, маданий омиллари мамлакат тараққиётининг истиқболлари билан боғлиқ эканлигига оид ғоялардан «Фалсафа» дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 февраль №89-03-686-сонли маълумотномаси) Натижада ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурни шакллантиришга эришилган, шу орқали мамлакат тараққиётини ривожлантиришга хизмат қилган;

ёшлар ўзларининг дунёқарашини реал ҳаётга татбиқ этиш стратегиясига эга бўлиши ижтимоий-тарихий шарт-шароитларга бевосита боғлиқлиги, муайян қадриятлар, билимлар ва хулқ-атвор моделларини ўз дунёқарашига сингдириш орқали уларни ўз ҳаётининг мазмуни сифатида қабул қилиши ва ижтимоий субъект сифатида ҳаракат қилиши тафаккурини шакллантиришга кучли таъсир кўрсатиши ҳақиқий ижтимоий-тарихий шароитлар ва мафкура каби воситаларга боғлиқлиги ҳақидаги хулоса ва ғоялардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурининг “Партиянинг ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасидаги вазифалари” IV бобидаги вазифалардан келиб чиқиб, Ёшлар қанотининг режа ва дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда уларнинг самарали ижросини таъминлашда кенг фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2021 йил 18 февралдаги 01-27/132-сон далолатномаси). Натижада партия фаолиятидаги долзарб масалаларни самарали ҳал этишда муҳим роль ўйнаган;

инновацион фаолиятни шакллантириш механизми сифатида ёшлар тафаккурида мақсадни белгилаш, интеграциялашув ва коммуникативликка эришиш омиллари ҳамда рационал ва технологияга асосланувчи интеллектуал салоҳиятни янада кенгайтириш жамият барқарорлигини таъминлашнинг воситаси эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида

ўтказилган “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка “маҳаллабай” етказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 7-сонли баёни билан тасдиқланган “Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” шиори остида ўтказиладиган маънавий-маърифий, маданий тадбирларда ҳамда тарғибот жараёнларида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2021 йилнинг 08 февралдаги 04-13/210-сон далолатномаси). Натижада Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ўтказиладиган маънавий-маърифий, маданий тадбирларда ҳамда тарғибот жараёнлари назарий асослар билан бойитилган;

инновацион тафаккур, муносабатлар, эҳтиёжлар ва қизиқишларни ижтимоий фойдали амалий фаолият жараёнида ижтимоий фаолликни намоён этиш орқали давлат ва жамият бошқарувида ёшлар дунёқарashiда инновацион тафаккурни шакллантириш, ёшларнинг инновацион билимлар эгаллаши, уларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш, ижтимоий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш, инновацион фаолликни ташкил этишда гуманизмга асосланган янги технологияларига оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 3 мартдаги 1-сон баёнига 1-илова “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини оширишга, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастурининг II боб “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот тадбирлари” 10-банди “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” ғояси асосида маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, мамлакатда бошланган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ҳаракати, мақсадли ислохотларни кенг халқ оммасига етказиш, жамиятда фаол фуқаролик туйғусини мустаҳкамлаш, бунда зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндalари салоҳиятидан унумли фойдаланилган ҳолда тизимли тарғиботни амалга ошириш” мавзусида ўтказилган тарғибот ва ташвиқот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2021 йилнинг 23 февралдаги 02/07-210-сон далолатномаси). Натижада соғлом турмуш тарзига риоя қилишнинг ёшлар тафаккурида узоқ умр кўриш кафолоти, соғлом авлодни тарбиялаш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш механизми сифатида амал қилиши ғоялари тарғибот фаолиятининг самарадорлигини оширган;

инновацион тафаккур, муносабатлар, эҳтиёжлар ва қизиқишларни ижтимоий фойдали амалий фаолият жараёнида ижтимоий фаолликни намоён этиш орқали давлат ва жамият бошқарувида ёшлар дунёқарashiда инновацион тафаккурни шакллантириш, ёшларнинг инновацион билимлар эгаллаши, уларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш, ижтимоий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш, инновацион фаолликни ташкил этишда гуманизмга асосланган янги технологиялари Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 9 мартдаги 02-03/1487-сон далолатномаси). Натижада Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиалларида давлат ва жамоат ташкилотлари, диний-маърифий соҳа ходимлари учун ташкил этилган малака ошириш курслари ўқув дастурларининг мазмуни ва мундарижа камрови кенгайган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та республика ва 4 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, ҳар бири учтадан параграфга ажратилган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, умумий ҳажми 141 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишларнинг сони, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертация ишининг “**Замонавий ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурни шакллантиришнинг фалсафий жиҳатлари**” деб номланган биринчи бобида “ёшлар дунёқараши” ва “инновацион тафаккур” тушунчалари қиёсий таҳлил этилган, ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурнинг намоён бўлиш шакллари, моделлари, замонавий фан тараққиётининг ёшлар дунёқараши ва инновацион тафаккур маданиятига таъсирининг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган.

Ижтимоий-фалсафий адабиётларда жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида шахс ақлий қобилиятларини ифодаловчи янги категория – “инновацион тафаккур” тушунчаси ҳам кенг қўлланилмоқда. Инновацион тафаккур бу – жамият аъзоларининг янги тафаккур асосида моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган ижодий фаолияти бўлиб, унинг натижасида амалдаги тизимлар иш жараёнида янгиликларни жорий қилиш самарадорлигининг ошиши устувор аҳамият касб этади. Инновацион тафаккур имкониятларини чуқур англаш, тушуниш ва тушунтириш билан унинг муҳим ва долзарб жиҳатларини тегишли соҳаларга қўллаш олиш, инновацияларни

тартибга солиш, тўғри бошқариш муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш муҳим ҳисобланади. Бу ҳақда Президентимиз Ш.Мирзиёев: “Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайратшижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмақдамиз”<sup>18</sup>, дея таъкидлайди.

Илмий адабиётларда ва расмий ҳужжатларда янги тафаккур тарзи “инновацион” деб аталади. “Инновацион тафаккур” замонавий тушунча ва техник-технологик тараққиёт мавзуларига мос келади. Бироқ таъкидлаш лозимки, мазкур тушунчанинг аниқ талқинлари шакллантирилмаган, бу эса ўз навбатида ўзаро тушунишга, ўзаро аниқ ва конструктив хулосага келишга ва амалиётга жорий қилишга тўсқинлик қилапти. “Инновация” терминининг келиб чиқиши латин тилидан олинган. Римликлар инновацияни, “янгилаш”, “ўзгариш”ни кенг маънода тушунган.

Инновацион фаолият мураккаб тузилишга эга бўлган кўплаб жараёнларнинг яхлит натижасидир. Шу боисдан ҳам унинг турли жиҳатларини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Айниқса, ёшларни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги асосий масалалардан бири бу жараёни муваффақиятли амалга ошириш учун, аввало, ёшларда ўзгача фикрлаш қобилиятини шакллантириш талаб этилади. Янги фикрлашнинг бу жиҳати инновацион фаолиятга “хизмат қилувчи” ва унинг самарадорлигини таъминлайдиган ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Биз бундай янги фикрлаш жараёнини инновацион тафаккур деб атаймиз. Инновацион тафаккурнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ёшларнинг нафақат юксак дунёқараш, балки ижодий фаоллиги билан узвий боғлиқдир. Бундай тафаккурни фақатгина ақлий моделлар билан боғлаш, ақл бу жараённинг ҳаракатлантирувчи ягона кучи ва атроф-муҳитнинг моддий ўзгариши натижасида юзага келадиган яқин натижа деб ҳисоблашимиз тўғри эмас. Чунки инновацион тафаккур инсонда шахсий мотивация, ўз-ўзини англаш, ўз ижодий қобилиятларини тўғри баҳолаш, улардан самарали фойдаланиш орқали тобора юксалиб боради. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмақдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”<sup>19</sup>.

Инновацион жамиятнинг фаол субъекти ёшлар бўлиб, ҳозирги босқичда унинг тимсолида инновацион шахсни тарбиялаш муҳим ҳисобланади. “Инновацион шахс” тушунчасини америкалик файласуф Эверетт Хаген илмий

<sup>18</sup> Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 508.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. www.uz.uz.

муомалага киритган<sup>20</sup>. Эндиликда жамият тараққиётини бугунги шароитида жамиятнинг илғор қатлами бўлган ёшлар орасида инновацион шахсни тарбиялашга алоҳида эҳтиёж туғилади. Чунки шундай ёшларгина жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришларни ҳосил қилиш ва илм-фан соҳасидаги янгиликларни яратишда алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга бундай ёшларда инновацион тафаккурни шакллантиришда инновацион ёндашув ва салоҳият, фаолиятнинг янгиликларни яратишга йўналганлиги ва инновацион тафаккурни шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар устувор аҳамият касб этади.

Инновациялар инсон фаолиятининг мезонига айланиб, замонавий моддий ва маънавий кадриятлар асосини ташкил этади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда замонавий инновацион тафаккурга эга бўлган ижодкор шахслар муҳим роль ўйнаши мумкин. Жамият талабларига жавоб берадиган, етакчилик қобилиятига эга ижодкор шахслар ўз ортидан юқори салоҳиятли шахсларни эргаштириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш орқали инновацион жамиятни шакллантиришга хизмат қилади. Инновация объектив жараён бўлиш билан бирга субъектларнинг ақлий меҳнат фаолиятига асосланади ва улар томонидан такомиллаштирилиб борилади. Инновацион тафаккур соҳиблари новатор, инноватор, дастлабки фойдаланувчилар ва бошқа жараёнга алоқадор шахслар ҳисобланади. Инновациялар тараққиёти натижасида инновацион муҳит, онг, маданият, мақсад ва танловларнинг юзага келиши, улар асосида фаолиятнинг амалга ошиши ва инновацион гуруҳлар фаолиятининг қўллаб-қувватланиши тобора долзарб аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам “Маданият, — деб ёзади П.Козловский, — бугунги кунда инновация ва жамият ривожланишининг калити сифатида тавсия этилади, у янги техниканинг киритилиши ва жамият томонидан “тан олиниши”ни энгиллаштиради, халқаро тажриба алмашинув ва бир-бирини тушунишга ёрдам беради. Маданият барча ижтимоий индикаторлар ва жамият тараққиётининг ўсиш мезонлари оралиғида бўлиши лозим”<sup>21</sup>.

Инновацион тафаккурни ривожлантириш инновацион хатти-ҳаракат қилишни, инновацион ғояларни амалга оширишни ҳам талаб қилади. Яъни одамларга ўз ғоялари ва орзуларини ўз ҳаётларига татбиқ қилишга имконият берилиши керак бўлади. Зеро ҳар бир инновацион ғояга эҳтиёж истеъмолчи томонидан қопланиши керак. Шу сабабли инновацион тафаккурнинг таркибий қисмларидан бири сифатида ғоялар коммерциализацияси ҳисобланади. Инновацион тафаккур бу охир натижада – даромад дегани, бу ҳар қандай иш, бизнес тараққиёти қуролидир. “Инновацион жараёнларнинг тизимли характерга эга эканлиги унинг мақсадга йўналтирилганлиги билан ҳам боғлиқ бўлади, шунинг учун инновацион жараёнларнинг барча таркибий қисмлари

---

<sup>20</sup> Gerasimova V., Mokichev S. Nano-economics in a National System of Innovation // Procedia Economics and Finance 5. 2013. Kazan (Russia) – P. 288-297.

<sup>21</sup> Козловский П. Культура постмодерна. – М.: Республика, 1997. – С. 217.

манфаатлар мувозанати ва тараққиётнинг умумий ривожланиш динамикасини аниқлайди”<sup>22</sup>.

Инновация, ўзида фаол тафаккурни намоён этади. Ядроси сифатида онгнинг янги билимларга йўналганлиги, уларга психологик эҳтиёж сезиши ва уларни қабул қилишга интеллектуал тайёргарлигини тушуниш керак. Куч шунчаки билимда эмас экан. Фақат долзарб ва фундаментал билимлар куч-қудратга эга. Инновацион тафаккур бу ижодкор шахс учун кўп вариантлар мавжуд эмас – ёхуд ўзи янгилик яратиши ёхуд ўз вақтида янгиликларга жавоб қайтара олиш, новацияларни ишлаб чиқаришга жорий қилинишининг зарурати ва мақсадга мувофиқлигини асослай олиш лозим. Шундай қилиб инновацион тафаккур ижодий онгга хос ҳодисадир.

Жамият тараққиётида инновацион тафаккур тараққиётини объектив заруратга айланиб бориши бу борадаги янгича қарашлар ва ёндашувларни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Эндиликда инновациянинг ишлаб чиқариш ва илм-фан соҳаси билан бир қаторда таълим, маданият, кундалик турмуш тарзига ҳам кириб келаётганлиги кузатилмоқда. Бу жараён инновацион тафаккурнинг замонавий фан талабларига мослаштириш билан бир қаторда жамиятда кишиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Файласуф олим М.Молостованинг фикрича, “шахс фаолиятида инновациялар ва уларни ўзлаштиришга муносабат қуйидагилар асосида амалга ошади: - фаолиятнинг мақсадга йўналганлиги ва натижани олдиндан англаб етиш; - юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб ўтишга йўналганлик; - тез ўзгариши мумкин бўлган ҳолатларга мослаша олиш; - кутилмаганда юзага келган вазиятда ҳаракат қила олиш; - қатъиятлилик; - муваффақиятга йўналганлик ва муваффақиятсизликдан чўчимаслик; - яратувчанлик ва ижтимоий йўналганлик”<sup>23</sup>.

Инновацион тафаккур маданиятига эга бўлган шахс ўз ҳаётида кўплаб тўсиқ ва қаршилиқларга учраши, кўзда тутилаётган янгилик жамиятда қабул қилинган тартиб ва қоидаларга мос тушмаган хатти-ҳаракатларни амалга ошириши, анъанавий тарзда шаклланган моддий ва маънавий кадрларга мос тушмаган қарашларни илгари суриши мумкин. Бундай мураккаб жараён инновацион тафаккур соҳибидан кучли билим ва қатъий ҳаётий позицияни талаб қилади. Чунки айнан шарқона менталитетга асосланган жамиятларда инновацион тафаккурни юксалтириш анча меҳнатни талаб этади. Бунда жамият интеллектуал ресурсларининг тўғри йўналтирилиши ва турли ижтимоий қатламларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш тобора устувор аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион тафаккур ҳар доим янгилик қилишга йўналтиради. Инновацион тафаккур инсонпарварлик ғояларига асосланиши билан бир қаторда инновациялар меҳнат унумдорлигини оширади, меҳнат шароитларини энгиллаштиради, ҳаётий фаровонликни таъминлашга хизмат

<sup>22</sup> Васильева Е. Закономерности процесса инноваций последней четверти XX века. – Москва: Экономика, 2007. – С. 5.

<sup>23</sup> Молостова М.Ю. Теоретико-методологические основания понятия “инновационное поведение” // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. Т.12. – Самара, 2010. -№5. – С. 134.

қилади. Биз бу инновацион тафаккур хусусиятини ижтимоий ижобий хислат деб атаймиз. Шунинг учун уни янгилик деб аташ мумкин эмас, масалан, одамларни ўлдириш учун газ камераларини ихтиро қилиш. Газ камерасини ихтиро қилган нацистларнинг фикрлашини гарчи у ҳам амалий, ҳам конструктив жihatдан инновацион тафаккур хусусиятларига мос келса ҳам инновацион ва ижодий ютуқ деб юритилмайди.

Диссертациянинг **“Замонавий ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурга таъсир этувчи ижтимоий-маданий омиллар”** деб номланган иккинчи бобда ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурни шакллантиришнинг самарали методлари ва технологиялари ўрганилиб, ёшлар инновацион тафаккурини шакллантиришга қўйиладиган маънавий-ахлоқий талаблар ва уни юксалтириш механизмлари ҳамда ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурни ривожлантиришда анъанавийлик ва замонавийлик диалектикасини конструктив-рационал баҳолаш тамойиллари илмий асосланган.

Жамият ҳаётида инновациялар кенгайиб боргани сари ёшларнинг онгида янгича муносабатлар ва ёндашувлар, янгича турмуш тарзининг турли жihatлари, ҳаётга фаол ва оқилона муносабат, ўз фаолиятида эса креативлик хусусиятлари устувор аҳамият касб этади. Бундай онгли ижодий фаолият замонавий илмий-фалсафий адабиётларда “инновацион тафаккур” деб юритилади. Инновацион тафаккур янги асосга эга бўлган кадриятлар, кўникмалар, янгича йўналтирилган ва кўпроқ янгиликка интилаётган дунёқараш асосида таракқий этади, инсондан ўз ҳаётида мунтазам ижодий ёндашувга эга бўлишни, креативликни ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини юксалтиришни талаб этади. Инновацион тафаккур – фундаментал билимларни ўзида акс эттирган, жамиятда амалга ошаётган инновацион жараёнларни англаб етган шахснинг тафаккур тарзи ҳисобланади. Унинг таркибий қисми инновацион онг, билим, ижодий хулқ-атвор, ижодий тафаккур, фаолият ва инновацион салоҳиятдан иборатдир.

Таълим соҳасида ёшларда инновацион тафаккурни юксалтириш инсон илмий-маърифий салоҳиятини юксак даражада гавдалантириш билан характерланади. Салоҳият деганда муайян шароитда воқеликка айланиш қобилиятига эга бўлган инсондаги яширин имконият тушунилади. Имкониятнинг воқеликка айланиши салоҳиятни рационал фаоллаштириш ва муайян мақсадга эришишдаги машаққатли меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Фаоллаштириш категорияси икки ёқлама характерга эга бўлиб, бир томондан, таълим берувчининг муайян мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатини, бошқа томондан эса, талабгорнинг фаоллигини акс эттиради. Бошқача айтганда, шахс салоҳиятининг намоён бўлиши шакллари нафақат ўз-ўзини англаш даражаси орқали, балки кишиларни ўзаро ижодий ҳамкорлик асосида фаолият юритиши, таълим жараёнининг ўзига хос натижаси сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан шахс инновацион тафаккур имкониятларининг ривожланишидаги устувор жihatларни аниқлаб ва белгилаб олиш муҳим назарий-методологик аҳамиятга эгадир. Бинобарин,



ҳар қандай ижтимоий-фалсафий концепция асосида муайян инсон томонидан “инновацион тафаккур” феноменини шакллантирувчи ва унинг ижодий тасаввурларини ўзида акс эттирувчи рационал фаолият туради.

Умуман олганда, ёшлар таълим ва тарбиясида инновацион тафаккур имкониятларидан самарали фойдаланиш қуйидагилар билан чамбарчас ҳолда амалга ошади: биринчидан, ҳозирда дунё таълим тизимида янгиликка бўлган интилиш, иккинчидан, таълимнинг ҳар бир жабҳасига янгиликларни татбиқ қилиш орқали ёшларнинг эҳтиёж ва манфаатларини қондириш, учинчидан, турли даражадаги таълим хизматларини ривожлантириш доимий жараён тусини олганлиги туфайли, миллий таълим тизимидаги туб ислохотлар, туб янгиланишлар, уларнинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай масалаларни ҳал этиш таълим тизимида инновацион тафаккурнинг шаклланишига олиб келди. Шунингдек, инновацион тафаккурга эга бўлган индивидлар томонидан амалга ошириладиган янгиликлар жамият ижтимоий-маданий ҳаётидаги туб ўзгаришларга хизмат қилади. Дарҳақиқат, жамиятда инновацион тафаккурнинг объектлашуви инновацион таълимни ривожлантириш орқали юз беради. Инновацион таълим эса, ўз навбатида, ёш кадрларда ўз ақлий қобилиятларини намоён этиш, оқилона баҳолаш, ақлий меҳнат имкониятларини янада кенгайтиришга замин яратади. Ижодий фаолиятни инсон тафаккури ва ҳаёт тарзини ўзгартиришга олиб келадиган инновацион фаолият даражасига кўтарилиши инновацияга бўлган субъектив (мотив, эҳтиёж) ва объектив (ижтимоий мақсад, буюртма, тараққиёт босқичи ва бошқалар) шарт-шароитлар ва омилларга боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Таҷриба кўрсатадики, “инновацион тафаккур” феномени компонентлари унинг ижодий имкониятлари кенгайишида муҳим методологик асос бўлиб, янги моддий ва маънавий кадриятларни яратишга, янги стратегик мақсадлар, билимлар, методлар, захираларнинг кўп қиррали устувор йўналишларини белгилаб беради. Алоҳида-алоҳида олинганда бу компонентлар шахс инновацион тафаккурининг қуйидаги жиҳатларидан иборатдир: янги моддий ва маънавий кадриятли меъёрларни жамият ҳаёти ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, рационал ва технологияга асосланувчи интеллектуал соҳаларни янада кенгайтириш, ижтимоий муносабатлар субъекти бўлган шахснинг, авваламбор, интеллектуал билим, лаёқат ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган ижодий фаолиятни янада юксалтириш ва бошқалар шулар жумласидандир<sup>24</sup>.

Таълим фаолиятининг бу устувор белгиларига асосланиб айтиш мумкинки, субъектда инновацион тафаккурни шакллантириш муаммоси ўз ичига бир қанча илмий-маърифий муаммоларни камраб олади ва бир қатор муҳим концептуал қоидаларни белгилаб беради. Булар шахс инновацион тафаккурини шакллантиришнинг конкрет технологик масалаларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Булар қуйидагилардан иборат: инновацион

---

<sup>24</sup> Инновационное мышление и интеллектуальные технологии в социально-гуманитарной сфере: Сборник статей по материалам 57-й Научно-методической конференции преподавателей и студентов СГУ "Университетская наука - региону". – Ставрополь: Фабула, 2012. – С. 114.

тафаккурнинг илмий-методологик асоси ҳамда янги тасаввурлар тизимини шакллантириш; таълим ва шахс инновацион тафаккур компонентлари алоқадорлигини таъминловчи янги усул ва воситаларни ишлаб чиқиш, олий таълим муассасасида инновацион тафаккурни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш; инновацион тафаккурни амалга оширишда индивидуал хусусиятларни аниқлашга таъсир кўрсатувчи технологик ва методик омиллар ва бошқалар шулар жумласидандир. Кўрсатиб ўтилган концептуал қоидалар шахс инновацион тафаккурини шакллантириш жараёни таълим берувчи билан таълим субъекти ўртасида диалектик алоқадорликни тақозо қилади. Шу боисдан ҳам инновацион тафаккур деганда жамият ва шахс томонидан янгиликларни ворисийлик қонуниятларига асосланиб эркин ва ижодий-амалий яратиш қобилияти тушунилади. Бошқача айтганда, инновацион тафаккур инсон ақлий меҳнат фаолиятининг ранг-баранг соҳаларидаги янгиликларни ўзлаштириш ва қўллашни англлатувчи билим ва лаёқатлар мажмуидир. Бундан маълум бўладики, инновацион тафаккур таркибида янгиликларни англашга йўналтирилган билим, амалий фаолият, ҳис-туйғулар ҳамда ижодий фаолият асосий ўрин тутаяди, унинг ривожини инсоннинг янгиликлар яратишга бўлган рационал ва иррационал эҳтиёжлари мазмуни билан белгиланади.

Инновацион тафаккур фанлараро интеграл тушунча бўлиб, унинг таркибий қисмлари билимдонлик, профессионализм, ижодкорлик, интеллектуал маданиятлилик, янгиликни идрок этишдаги бетакрор хотира ва тафаккур соҳиби бўлиш, бошқарув қобилиятининг самарадорлиги ва бошқа шу каби тузилмалардан ташкил топади<sup>25</sup>. Инновацион тафаккурни шакллантириш ҳозирги таълимнинг модернизациялашув шароитида янада долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди ҳамда объектив равишда ижтимоий-маданий тараққиётнинг шартига айланди. Инновацион тафаккур асосида инновацион фаолият шаклланади. Инновацион фаолият эса таълим тизимида янгилик яратиш ва унинг натижаларини амалда қўллаш орқали мазкур соҳани такомиллаштиришга хизмат қилади. Бундай фаолият орқали шахс таълим тизимидаги янгича муносабатни шакллантиради, ўзи ҳам бундай муносабатга чуқурроқ кириб боради ва тобора фаоллашади. Инновацион фаолият, жамиятнинг қайси соҳаси бўлмасин, уларга маълум янгиликнинг яратилишига олиб келади. Шу боисдан ҳам инновацион фаолият креатив, яъни ижодий ёндашувни тақозо этади. Демак, креативлик ҳар қандай инновацион фаолиятни ривожлантириш шартини ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий ислохотлар – кенг қўламли ва аниқ жабҳаларда янги ғоялар яратиш, уларни татбиқ этишга қаратилган инновацион тафаккур маҳсулидир. Ёшларни бундай фаолият кўрсатишга тайёрлаш ўта муҳим ижтимоий аҳамиятга молик вазифалар сирасига киради. Албатта, касбий фаолият билан бевосита шуғулланиш жараёнида инновацион тафаккурни шакллантириш тугал, мукамал даражага олиб чиқилиши мумкин. Аммо ҳозирги тезкор замонда ҳар қандай фаолият учун зарур бўлган малакавий

---

<sup>25</sup> Кравченко С. Динамика социологического воображения: всемирная культура инновационного мышления. – Москва: Анкил, 2010. – С. 389.

қобилиятларни таълимнинг бошланғич босқичларидан шакллантириб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги ўз-ўзидан аёндыр. Бу фикрлар ёшларни ижодий фаолиятга тайёрлаш, уларни инновацион тафаккурнинг турли жиҳатларидан бохабар қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Бу жараёнда ёшларга нафақат касбий билим, усул ва малакалардан самарали фойдаланиш, шу билан бирга фаолиятда янги ғоя, шу асосда янги ечимлар тизимини яратиш ва амалиётга моддий ва маънавий салоҳиятни татбиқ этиш қонуниятларини ўрганувчи илм соҳаси – инновацион тафаккур назариясини сингдириш устувор аҳамият касб этади. Бу мақсад эса қуйидаги вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади:

– инновация, инновацион тафаккурнинг янги моддий ва маънавий қадриятларни яратувчи, онгли амаллар мажмуи сифатида ўзлаштириш учун зарурий назарий билимларни сингдириш;

– инновацион тафаккурнинг аксиологик, интеллектуал ва функционал асослари билан таништириш, уни амалга ошириш омиллари ҳақида тушунча бериш;

– инновацияларни яратиш ва татбиқ этишга қаратилган фаолиятнинг умумижтимоий яратувчанлик моҳияти, унинг конкрет касбий фаолиятида юзага келиши ҳақида тушунча;

– инновацион тафаккур қобилиятини ривожлантириш, янги ғояларни илгари суриш, амалга ошириш жараёнларини таҳлил қилишга ўргатиш;

– шахс фаолиятига оид инновацион ғоялар шаклланишини асослаш, рўёбга чиқариш амалий малакаларини шакллантириш;

– инновацион тафаккур билан боғлиқ стратегик, тактик, самарали вазифаларни бажариш лаёқатини шакллантириш;

– инновацион тафаккур янги моддий ва маънавий қадриятларни ўзлаштириш билан бирга ёшларда ижодий фаолият учун зарурий индивидуал салоҳиятни аниқлаш, уни янада кучайтиришга замин ҳозирлаш;

– инновацион тафаккур асосида инсонларга ахборотлар билан ишлаш қобилияти, инновацион лойиҳаларни баҳолаш малакасини сингдириш ва бошқалар.

Хуллас, ёшларни инновацион тафаккурни шакллантириш жараёнида уларнинг умуммаданий даражаси, ихтисослик билимлари ҳамда шахсий фазилатлари уйғунлигини таъминлаш муҳим методологик аҳамиятга эга бўлади. Шу боис бугунги кунда ўқув режаларида барча билимларга оид фанларни интеграциялаш зарурати туғилади. Ёшларнинг мустақил фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг интерфаол усулларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, шахсга йўналтирилган таълим, ҳамкорлик педагогикаси, кичик гуруҳларда ишлаш усуллари, таълим технологиялари самарадорлигини янада ошириш учун замонавий ахборот-коммуникацияларини кенг жорий этиш яхши натижа бериши мумкин. Шундай қилиб, ижтимоий тараққиёт кун тартибига қўяётган долзарб илмий ғоя ва ечимларни ҳаётга татбиқ этиш илм-фан соҳасида республикамизда

тадқиқотлар самарадорлигини оширибгина қолмайди, шу билан бирга янгидан янги инновацион лойиҳаларни яратиш, ҳаётга қўллаш ҳамда шаклланаётган ёш авлоднинг интеллектуал ва инновацион тафаккурини юксалтириш муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда ёшлар дунёқарашида инновацион тафаккурни шакллантириш учун яратилган шароитларнинг ижтимоий аҳамияти ва зарурати”** деб номланган учинчи бобида ёшлар инновацион тафаккури ва интеллектуал маданиятини юксалтиришда таълим модернизациясининг аҳамияти, ёшларнинг инновацион тафаккурини юксалтиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳамда ёшлар инновацион тафаккурини юксалтиришнинг устувор йўналишлари қиёсий ўрганилган.

Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, ёшларнинг бу борадаги фаоллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш инновацион тафаккурни шакллантириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим вазифаларидан бири сифатида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”<sup>26</sup> белгилаб қўйилган эди. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиздаги туб ислоҳотлар шароитида ёшларда инновацион тафаккурнинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омилларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга молик ҳулосаларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади.

Ёшларнинг инновацион потенциалини шакллантириш моделини муваффақиятли амалга оширишнинг педагогик шартлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Миллий таълим тизимида инновацион тўйинган муҳитни яратиш;
